

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04.30.04.
2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СОЛИЕВА НОЗИМА КАРИМОВНА

ҲОМИЛАДОРЛИКНИ КЎТАРА ОЛМАСЛИКНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Солиева Нозима Каримовна

Ҳомиладорликни кўтара олмасликни ташхислаш ва олдини олишнинг
замонавий жихатлари.....3

Солиева Нозима Каримовна

Современные аспекты диагностики и профилактики невынашивание
беременности.....25

Solieva Nozima Karimovna

Modern aspects of diagnosis and prevention of
miscarriage.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.30.04. 2022.Tib.93.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СОЛИЕВА НОЗИМА КАРИМОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛИКНИ КЎТАРА ОЛМАСЛИКНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Тиб.1122 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тўксанова Дилбар Исмаевна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Тиб.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шоҳкўчаси, 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т.Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори(DSc), профессор

Н.Ш.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори(PhD), доцент

Г.А.Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори(DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси))

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра ҳомиладорликни кўтара олмаслик кўрсаткичи ривожланган мамлакатларда барча ҳомиладорликларнинг 7-10% ни, ривожланаётган мамлакатларда эса 15–20% ни ташкил қилади.¹ Дунё бўйича ҳомиладорликни кўтара олмаслик аёллар орасида энг кенг тарқалган акушерлик патологиялардан бири бўлиб, сўнгги йилларда бажарилаётган кўп сонли илмий-тадқиқотлар ушбу патологиянинг олдини олиш, ҳомиладорликда туғиш асоратлари ва репродуктив йўқотишларни ривожланиши учун юқори хавф гуруҳларини аниқлашга бағишланмоқда. Ҳомиладорликни кўтара олмаслик кузатилган аёлларда антифосфолипид синдроми ва гемостаз тизимининг бузилишини, ўрганиш асосида, репродуктив қайта йўқотишларни олдини олиш мақсадида прегравидар тайёрлаш тамойилларини такомиллаштириш бугунги кунда ечими топилиши талаб этиладиган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида аёлларда ҳомиладорликни кўтара олмасликнинг келиб чиқиш сабаблари, кечиши ва даволаш тактикаси натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳомиладорликнинг илк давридан гемостаз тизиминингбузилишларини ривожланишида антифосфолипид антителланнинг роли ва уларнинг маҳаллий қон оқимида таъсирини, плацентар тизимнинг функционал бузилишларини шаклланишини баҳолаш, фетоплацентар системанинг дисфункциясини башорат қилиш ва эрта ташхислашда антифосфолипид синдром ва унинг маркерларининг ролини аниқлаш; одатий ҳомила тушиши билан асоратланган ҳомиладорлар орасида ногиронлик ҳамда ўлим ҳолатларини камайтириш борасида чора-тадбирларнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни янги даражага кўтариш борасида мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга

¹Hamulyák E.N., Scheres L.J., Goddijn M., Middeldorp S. Antithrombotic therapy to prevent recurrent pregnancy loss in antiphospholipid Syndrome-What is the evidence? *Journal of thrombosis and haemostasis. JTH* vol. 19,5 (2021): 1174-1185. doi:10.1111/jth.15290

ошириш...»²вазифалари белгиланган. Бу борада, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, одатий ҳомила тушишини келтириб чиқарувчи омилларни ташхислашда биокимёвий тадқиқот усулларида фойдаланиш ва даволашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалар, ҳомилдорликни кўтара олмасликда антифосфолипид синдромининг ролини очиб берди. Ҳомилдор аёл қонида антифосфолипид аутоантителлари шу жумладан, IgG ва IgM типли антителла β2 –гликопротеин пайдо бўлиши ҳомилдорликни кўтара олмасликка олиб келиши аниқланди (Mormile I., 2021; Meroni P.L., Borghi M.O., 2020). Skeith L., Bates S.M., Rodger M.A., 2021). Маълумки, ҳомилдорликнинг биринчи триместрида АФС билан асоратланган ҳомилдор аёлларда гемостаз тизимида гиперкоагуляция қайд этилган (Meng H., Yalavarthi S., 2019;). Ҳомилдор бўлмаган аёллар қонида АФА аниқланганда гемостазнинг қон–томир тромбоцитар боғланишида сезиларли ўзгаришлар кузатилган, айниқса, волчанкали антикоагулянт бор бўлса, тромбоцитлар гиперагрегацияси кўринишида микроваскуляр блокадага олиб келади (Moroni G., Doria A., 2018; Prima F.A., Valenti O., 2019).

Замонавий қарашларга кўра, АФС гемостаз тромбоцитар алоқасини фаоллашишига, гемостатик потенциалнинг бузилишига ва эндотелиал шикастланишининг кучайишига ёрдам беради. Бундай ўзгаришлар

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

инфаркт зоналарининг шаклланишига, ворсинкали хорионнинг ишемиясига, бачадон-йўлдош тизимининг бузилишига, ҳомилада гипоксия, гипотрофия ривожланишига, шунингдек ҳомиланинг ривожланишига салбий таъсир қилади (Сидельникова В.М.,2021; Калдыбекова А.К.,Аширбекова А.М.,2019; Корнюшина Е.А.,2021).Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, антифосфолипид антителлалар (АФА) тўғридан тўғри синцитиотрофобласт ва цитотрофобластга таъсир қилади, трофобласт хужайраларининг хужайралараро синтезини ингибирлайди ва трофобласт инвазияси ёмонлашиб, йулдошнинг гормон ишлаб чиқараш фаолиятини бузилишига, бу эса имплантация жараёнини нуқсонли бўлишига олиб келиши исботланган (Кравченко Е.Н., Гончарова А.А., Кропмаер К.П.,2020; Cervera R.,2019).

Мамлакатимиздаги тадқиқотлар натижасида, генлар полиморфизми, интерлейкинларнинг ҳомиладорликка таъсири, уларнинг акушерлик ва перинатал асоратлар, одатий ҳомила тушишларнинг келтириб чиқаришдаги роли ўрганилди (Аблакулова Ш.Д., 2021; Аюпова.Ф.М., 2021). Замонавий тадқиқотлар натижаларига кўра, антифосфолипид синдроми аниқланган ҳомиладорларда ивиш тизими кўрсаткичлари, қондаги цитокинлар статуси ва она-йўлдош –ҳомила қон оқими кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлигининг мавжудлиги аниқланди (Маниёзова Г.М., 2019.) Сўнгги йилларда бу жараёнда кардиолипин, $\beta 2$ -гликопротеин каби антителлаларнинг ўрни исботланган бўлиб, тромбоз ва акушерлик хавф омилларининг кўпайишига олиб келади (Негматуллаева М.Н., Султонова Н.А.,2018;)

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида (06.2022 PhD 147) “Covid 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳоли саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладорликни кўтара олмасликда йўлдошнинг тузилмавий ва функционал бузилишларини эрта ташхислашдаги гемостаз тизими ва антифосфолипид синдроми маркерларини ахамиятини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладорликни кўтара олмасликда ҳомиладорликнинг илк даврларидан гемостаз тизимининг бузилишларини ривожланишида антифосфолипид синдром маркерларининг роли ва уларнинг бачадон-йўлдош қон оқимига таъсирини, йўлдошнинг тизимли ва функционал бузилишларини шаклланишини аниқлаш ва баҳолаш;

антифосфолипид синдром негизда йўлдош етишмовчилиги патогенези хусусиятларини ривожланишини ва унинг олдини олишда прегравидар тайёргарликнинг ролини аниқлаш;

антифосфолипид синдром замирида келиб чиқган ҳомила - йўлдош тизимидаги бузилишларини даволашда ўтказилаётган этиопатогенетик даво чораларини самарадорлигини баҳолаш;

анамнезида антифосфолипид синдром замирида ривожланган одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда ҳомиладорликни олиб бориш ва эрта ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи, анамнезида одатий ҳомила тушиши бор бўлган 70 та аёл ва ҳомиладорликнинг физиологик кечишига эга бўлган 35 нафар ҳомиладор аёллар ташкил қилди. Биокимёвий, доплероетрик текширувлар 105 нафар аёлларда олиб борилиб қуйидаги гуруҳларга тақсимланди: Биринчи гуруҳга ҳомиладорликнинг физиологик кечишига эга бўлган 35 нафар ҳомиладор аёллар, иккинчи гуруҳга АФС мавжуд бўлган ҳомиладорликкача даво чоралари олмаган 35 нафар бемор, учинчи гуруҳга одатий ҳомила ташлаши бор АФС мавжуд бўлган аёллар ҳомиладорликдан олдин гемостаз бузилишини бартараф этиш мақсадида профилактик терапиядан ўтган 35 нафар ҳомиладорлар ташкил қилди.

Тадқиқотнинг предмети вена томиридан олинган қон ва унинг зардоби, ультратовуш текшируви ёрдамида она-плацента -ҳомила тизими функционал ҳолатини баҳолаш, АФА, $\beta 2$ –гликопротеин, волчанкали антикоагулянт Д-димер кўрсаткичлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник-лаборатор, биокимёвий текширувни қўллаш, гемостазиограммани аниқлаш, функционал-диагностик текширишлар (УТТ текшириш), статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорликни кўтара олмасликнинг ривожланишини аниқлашда биокимёвий хусусиятларини тавсифловчи (АФА, $\beta 2$ –гликопротеин, волчанкали антикоагулянт), регионар гемодинамика параметрларининг ошиши орқали намоён бўладиган клиник белгилар ва гемостаз тизими (Д-димер) бузилишларининг асосий хавф омиллари аниқланган ва акушерлик асоратларини клиникагача ташхислаш ва башоратлаш усуллари ишлаб чиқилган;

антифосфолипид синдром негизда ривожланган йўлдош етишмовчилигида, регионар яъни бачадон йўлдош қон оқимининг ўзаро боғлиқлиги ва уларни ҳомиладорликнинг I, III триместрида гемостаз тизими бузилишлари ривожланишини прогноз қилишдаги роли ўрганилган;

антифосфолипид синдроми билан асоратланган ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимининг параметрлари ва бачадон– йўлдош қон оқимининг бузилиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

анамнезида ҳомиладорликни кўтара олмаслик кузатилган аёлларда доплероетрик ва лаборатор текширув натижалари асосида, предгравидар

тайёргарлик босқичи ва ҳомиладорликнинг биринчи триместрида антикоагулянт, юқори самарали антиагрегант комплекс даво чоралари билан биргаликда қўлланилиб, кейинги ҳомиладорликнинг қониқарли кечиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аёлларда репродуктив йўқотишларни ўз вақтида олдини олиш мақсадида, ҳомиладорликни кўтара олмасликни башорат қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар, лаборатор, доплеромеретрик текширув стандарти ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилган;

антифосфолипид синдром негизда ривожланган йўлдош етишмовчилигида, регионар яъни бачадон йўлдош қон оқимининг ўзаро боғлиқлиги ва уларни ҳомиладорликнинг I, III триместрида гемостаз тизими бузилишлари ривожланишини прогноз қилишдаги роли исботланиб, услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

анамнезида одатий ҳомила ташлаш билан асоратланган ҳомиладор аёлларда гемостаз бузилишларининг тизимли табиатида айланиб юрувчи АФА, $\beta 2$ –гликопротеин, волчанкали антикоагулянтларнинг роли илмий асослаб кўрсатиб берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва замонавий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, танланган материалнинг етарли миқдордалиги, умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомиладорликни кўтара олмаслик кузатилган аёлларда анамнестик, биокимёвий, ҳолатини аниқлаш натижасида АФА, $\beta 2$ –гликопротеин, волчанкали антикоагулянтларнинг одатий ҳомила тушиши ривожланишида ҳиссаси борлиги ва репродуктив йўқотишларни эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек комплекс даво чораларини ишлаб чиқишда ва аёллар организмни ўрганишга доир акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий хулосалар одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда биокимёвий ҳолати ва уни комплекс даво чораларини амалга оширишда, шунингдек, репродуктив йўқотишларнинг хавфли омилларини эрта ташхислаш, биокимёвий маркёрлар аниқланган аёлларда предгравидар тайёргарлик ўтказиш, ҳомиладорликни такомиллаштирилган алгоритм бўйича олиб бориш, ўз вақтида комплекс даво чораларини ўтказиш, даволаш самарадорлигини оширади ва ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Репродуктив ёшда одатий ҳомила тушишида антифосфолипид синдроми ҳолатини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

одатий ҳомила ташлашда антифосфолипид синдромининг ролини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ҳомиладорликни кўтара олмасликда антифосфолипид синдромини аниқлаш самарадорлигини ошириш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 январдаги 8н-д/54-сон маълумотномаси); Ушбу тавсияномада ҳомиладорликни кўтара олмаслик билан асоратланишни эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, лаборатор ташхислашнинг оптимал вариантларини яратишга хизмат қилган;

тадқиқот давомида ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро шаҳридаги 8-сонли оилавий поликлиникаси ва Бухоро шаҳар туғруқ комплекси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхонаси бўлимлари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 февралдаги 8н-з/102-сон хулосаси). Амалиётга татбиқ этилган натижалар ҳомиладорликни кўтара олмаслик билан асоратланган аёлларда, даволаш ва ташхислаш сифатини яхшилаш, касалликнинг асоратлари частотаси ҳамда аёллар ўлимини қисқартиш, даволаш харажатларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Антифосфолипид синдроми бор аёлларда хомиладорликни олиб бориш ҳақида замонавий тушунчалар**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида хомиладорликни кўтара олмасликда антифосфолипид синдром билан асоратланган аёлларда репродуктив йўқотишлар муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Хомиладорликни кўтара олмасликда гемостаз тизимининг хусусиятлари, патогенезида йўлдошнинг морфофункционал бузилишларининг аҳамияти, антифосфолипид синдромида хомиладорликдан олдинги тайёргарлик ва хомиладорликни олиб боришнинг замонавий жиҳатлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Антифосфолипид синдроми мавжуд хомиладор аёлларда олиб борилган тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширув материаллари умумий тавсифи келтирилган, текширув усуллари тўлиқ ёритилган.

Илмий тадқиқот ўтказиш учун Бухоро вилоятида 2020 -2022 йилларда хомиладорликнинг дастлабки босқичларидан бошлаб акушерлик анамнезида одатий бола ташлаш бўлган 105 нафар аёл жалб қилиниб, чуқур ўрганиш ўтказилди. Аёлларни кузатиш дастлабки босқичларидан бошлаб бутун хомиладорлик даврида амалга оширилди. Биринчи гуруҳга хомиладорликнинг физиологик кечишига эга бўлган 35 нафар хомиладор аёллар, иккинчи гуруҳга АФС мавжуд аммо хомиладорликкача даво чоралари олмаган 35 нафар бемор, учинчи гуруҳга одатий хомила ташлаши бор АФС мавжуд бўлган аёллар хомиладорликдан олдин гемостаз бузилишини бартараф этиш мақсадида профилактик терапиядан ўтган 35 нафар хомиладор аёллар киритилди. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда қуйидаги тадқиқот дастури ишлаб чиқилди: клиник-статистик таҳлил; гемостазнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш; Д-димерни аниқлаш; она-плацента -хомила тизими функционал ҳолатини баҳолаш учун ультратовуш диагностикаси; УТТ текширув усуллари.

Беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари: Сиднейда қабул қилинган критерийларга асосан анамнезида 2 ва ундан ортиқ ўз -ўзидан хомила ташлаш, ўсмай қолган хомиладорлик, нормал жойлашган плацентанинг вақтидан олдин кўчиши, хомиланинг ўсишдан чегараланиш синдроми, хомиланинг ўлик туғилиши, эрта неонатал ўлим, презекламсия ва қўшилиб келган лаборатор кўрсаткичлар. Барча маълумотлар махсус тузилган сўровномага киритилди, сўнгра олинган маълумотлар математик тарзда қайта ишланди. Улар қуйидаги ёш тоифаларига ажратилди: 19-25 ёш -21 нафар аёл (20%), 26-35 ёш – 68 нафар (64,7%), 35-ёшдан юқори-16 нафар (15,2%), сўровда қатнашганларнинг асосий қисми (улардан 72 нафари n=69%) шаҳарда (асосан Бухоро шаҳрида) доимий истиқомат қилган, қолганлари (33, n=31%) қишлоқ аҳолисидир. Аёлларнинг ишлар билан таъминланиши ва уларнинг маълумоти ҳам текширилган беморларни тавсифлаши мумкин. Иш жойини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, аёлларнинг аксарияти вақтинча

ишламаган (18,9%, n= 20) ёки уй бекаси (31,4%, n=33) . Сўралганларнинг қолган қисми жисмоний ва ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар - ва 25,5%, n=27 ва 25,0 %, n= 25. Сўровда қатнашган аёлларнинг маълумотини ўрганиш бўйича материаллар таҳлили шуни кўрсатдики, беморлар орасида олий маълумотлилар барча сўралганларнинг 1/6 қисмини (15,4%, n=16), қолганлар ўрта маълумотли (9,6%, n=10) ташкил этади. Танланган гуруҳдаги аёлларнинг сўрови натижасида биз иккала гуруҳдаги ҳайз кўриш функциясининг табиати сезиларли фарқларга эга эмаслигини аниқладик. Асосий гуруҳда ҳайз кўришнинг ўртача ёши $13,5 \pm 0,4$ йил, назорат гуруҳида $13,8 \pm 0,2$ йил ($p \leq 0,05$). Ҳайз циклининг давомийлиги 26 кундан- 32 кунгача бўлган ва асосий гуруҳда ўртача 4.3 кун , назорат гуруҳида 4,1 кун ($p \leq 0,05$). Ҳайз кўриш циклининг десквамацион босқичининг давомийлиги ҳам гуруҳларда сезиларли фарқларга эга эмас, мос равишда 3 кун ва 2,8 кун ($p \leq 0,05$). Барча аёлларнинг ҳайз пайтида қон йўқотиши ўртача деб ҳисобланди. Гинекологик касалликлар структураси ўрганилганда прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳидаги беморларда репродуктив тизим аъзоларининг яллиғланиш касалликлари прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳида караганда анча тез – тез учради. Шу билан бирга сурункали эндометрит (42,8%, n=15), истмико цервикал етишмовчилик (14,2%, n=5) фолликуляр киста (5,7%, n=2), эндометриал киста (5,7%, n=2), ҳайз циклининг бузилиши 8,5%, n=3, TORCH инфекцияси (14,2%, n=5), сурункали цистит (5,7% n=2)га нисбатан кўпроқ.

1-жадвал

Таққосланадиган гуруҳлардаги аёлларда ўтказилган гинекологик касалликларнинг тузилиши n=105

Нозология	Назорат гуруҳ (n=35)		Прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳи (n=35)		Прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳи (n=35)	
	абс	%	абс	%	абс	%
Сурункали эндометрит	5	14,2	13	37,1	15	42,8
Истмико-цервикаль етишмовчилик (ИЦЕ)	2	5,7	5	14,2	5	14,2
Фолликуляр киста	4	11,4	3	8,5	2	5,7
Эндометриодли киста	3	8,5	2	5,7	1	2,8
TORCH инфекция	4	11,4	7	20	6	17,1
Сурункали цистит	5	14,2	2	5,7	1	2,8

Экстрагенитал патология муҳим хавф омили ва турли хил ҳомиладорлик асоратларининг ривожланиши учун ноқулай фон ҳисобланади. Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари барча гуруҳлардаги беморларда ҳам бир хил даражада кенг тарқалган бўлиб, ўртача 39,9% ҳолларда.

1-жадвалдан кўришиб турибдики, прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳи гуруҳидаги 22 (62,8%) ҳомиладор аёлларда турли даражадаги камқонликлар, шунингдек прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳидаги 28 (80%) ҳомиладор аёлларда, назорат гуруҳидагиларнинг 22,8 % ида аниқланди.

Қалқонсимон без касалликлари барча гуруҳидаги аёлларда ҳам бир хил даражада кенг тарқалган бўлиб, ўртача 55,7% ҳолларда. Семизлик прегравидар тайёргарликсиз туғган гуруҳидаги аёлларнинг 42,8%да, прегравидар тайёргарлик билан туғган гуруҳидаги аёлларнинг 31,4%ида аниқланган ва назорат гуруҳидаги аёлларда бу патология қайд этилмаган. Қандли диабет прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳида 5,7% ва прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳи 14,2%, сурункали артериал гипертензия прегравидар тайёргарлик билан туғган гуруҳидаги аёлларда 14,2%, прегравидар тайёргарликсиз туғган гуруҳидаги аёлларда 22,8%, назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёлларда эса бу патология қайд этилмаган.

2-жадвал.

Текширилган аёллардаги соматик касалликлар

Соматик касалликлар	Назорат гуруҳи(n=35)		Прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳи (n=35)		Прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳи (n=35)	
	абс	%	абс	%	абс	%
Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари	3	8,5	6	17,1	8	22,8
Семизлик	0	0	11	31,4	15	42,8
Варикоз касаллиги	1	2,8	4	11,4	6	17,1
Камқонлик	8	22,8	22	62,8	28	80
Диффуз бўқоқ	7	20	18	51,4	21	60
Қандли диабет	0	0	2	5,7	5	14,2
Сурункали артериал гипертензия	0	0	5	14,2	8	22,8

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики,ўрганилаётган гуруҳларда турли даражадаги камқонлик ва диффуз бўқоқ каби кўрсаткичлар устунлик қилган. Ўрганилган аёлларда паритет ҳам ўрганилди, бу ҳолатни баҳолашнинг муҳим мезони бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотга жалб қилинган икки асосий гуруҳнинг 18 нафар ҳомиладор аёлларида 2 марта ҳомила тушиши 51,3 % ни ташкил қилди. 3 маротаба ҳомила тушиши прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳида 22,8 % ни ташкил қилган бўлса, прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳида эса бу кўрсаткич 28,8% ни ташкил қилди. Прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳида 14 та тўртинчи ҳомила тушиши кузатилган бўлса, тайёргарликсиз туғган гуруҳида бу кўрсаткич 12 тани ташкил қилди, яъни 40% га қарши, 34,2%.

Умумий сони бўйича прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳининг кўрсаткичлари устунлик қилади.

Тадқиқотимизга жалб қилинган, назорат гуруҳи аёлларида тирик туғилишлар 100% ни ташкил қилган бўлса, I ва 2- гуруҳ аёлларимизда эса, бу кўрсаткич 57,1 % ва 77,2% ни ташкил қилди. Ўлик туғилишлар назорат гуруҳида қайд этилмади, I ва 2- гуруҳда, эса 19,9% ва 22,7% ни ташкил қилди бу кўрсаткич таққосланган иккала гуруҳ орасида нисбат статистик ишончли бўлмади. Ҳомиланинг 3-марта ўсмай қолиши гуруҳда I гуруҳда 42,8 % ни ташкил қилган бўлса, II гуруҳда эса, 51,4 %ни ташкил қилди. Тўртинчи марта ўсмай қолиш гуруҳлар орасида 28,5 % ва 25,7% ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида ҳомила тушиши кузатилмади

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди, олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони) ни ўрганилиб, хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. $P < 0,05$ ишончилилик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Одатий ҳомила ташлашда клиник белгилар, антифосфолипид синдромининг аҳамияти ва уларни гемостаз кўрсаткичлари билан боғлиқлиги**» деб номланган учинчи бобида АФС бўлган аёлларни прегравидар даволаш муолажаларини ўтказиб кейинги ҳомиладорликни кечиши кузатилган. Бунинг учун аёлларни 2 гуруҳга ажратилган: прегравидар муолажалари ўтказилган ($n=35$) ва ўтказилмаган ($n=35$) аёлларда қиёсий баҳоланган. Бунда текширувлар ҳомиладорликнинг иккита муддатларида: Iчи ва 3чи триместрларда ўтказилган.

Тадқиқотларимиз 2006 йили Сиднейда қабул қилинган критерийларга асосан АФСни лаборатор ташҳислашда 3 компонентли тизим (қон зардобиди волчанкали антикоагулянт (ВА), IgM анти-ФЛ ва IgG анти- $\beta 2$ -ГП) аниқлаш ҳисобланади. Клиник критерийларга эса турли тўқима ва аъзоларда жойлашган артериал ёки веноз тромбозлар, ҳамда ҳомиладорликни асоратли кечиши (одатий ҳомила ташлаш, ҳомилани ривожланмай қолиши) киради. Буларга асосланган ҳолда биз ҳомилани одатий ташлаши бўлган 70 нафар аёлларда ва 35 физиологик ҳомиладорлик бўлган аёлларда уларни розилиги асосида тадқиқотлар олиб бордик.

АФС синдроми мавжуд одатий ҳомила ташлаш бўлган прегравидар муолажалари ўтказилмаган аёллар гуруҳида ҳомиладорликнинг Iчи триместрида биз волчанкали антикоагулянт миқдорини қон зардобиди статистик ишонарли 3,76 ($P < 0.001$) маротаба ортганлигини кузатдик (3-жадвал). Шу билан бирга аёлларнинг қон зардобиди IgM анти-ФЛ ва IgG анти- $\beta 2$ -ГП таначалар миқдори ҳам кескин 20 ($P < 0.001$) ва 12,8 ($P < 0.001$) маротаба ортиши аниқланди. Олинган натижалар ҳомиладор аёлларда АФС ҳисобига эндотелийни шикастланиши, унинг адгезив хусусиятларини ортиши, гиперкоагуляцияни ривожланиши ва қон томирларда тромблар

хосил бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатларда фето-плацентар қон айланиш тизимида микротромбларни ҳосил бўлиши, бу эса фето-плацентар етишмовчиликга ва ҳомила ташлаш ҳавфини оширади.

Маълумки, бундай ҳомиладорлар доимий тиббий назоратда бўлиб, уларга даво муолажалари ўтказилади. Ҳомиласи сақланиб қолган аёлларда ҳомиладорликнинг 3чи триместрига келиб АФС кўрсаткичлари: волчанкали антикоагулянт, фосфолипидларга ва β 2-гликопротеидларга нисбатан аутоАТнинг миқдори қон зардобиди аввалги муддатга нисбатан ишонарли 1,77 ($P<0.01$); 2,33 ($P<0.001$) ва 2,07 ($P<0.001$) маротаба пасайиши кузатилди. Лекин бундай ижобий натижаларга қарамасдан волчанкали антикоагулянт, фосфолипидларга ва β 2-гликопротеидларга нисбатан аутоАТнинг миқдори қон зардобиди физиологик ҳомиладорликга нисбатан 2,12 ($P<0.001$); 8,61 ($P<0.001$) ва 6,19 ($P<0.001$) маротаба юқорилигича сақланиб қолди. Бу эса фето-плацентар тизимда микротромбозлар пайдо бўлиши ва ҳомиладорликни асоратли кечиш ҳавфи юқорилигини кўрсатади.

3-жадвал.

АФС бўлган аёлларда прегравидар давонинг антифосфолипид синдроми кўрсаткичларига таъсири, $M\pm m$

Гуруҳлар	ВА, шартли бирлик	IgM анти-ФЛ, U/ml	IgG анти- β 2-ГП
Физиологик ҳомиладорлик	0,50 \pm 0,04	1,17 \pm 0,11	1,33 \pm 0,14
Прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳи, гестация муддати			
1-чи триместр	1,88 \pm 0,06 ^а	23,43 \pm 0,99 ^а	17,00 \pm 0,75 ^а
3-чи триместр	1,06 \pm 0,07 ^{а,б}	10,07 \pm 0,68 ^{а,б}	8,23 \pm 1,13 ^{а,б}
Прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳи, гестация муддати			
1-чи триместр	1,37 \pm 0,06 ^{а,в}	14,49 \pm 0,80 ^{а,в}	13,27 \pm 0,97 ^{а,в}
3-чи триместр	0,87 \pm 0,04 ^{а,б,в}	6,99 \pm 0,39 ^{а,б,в}	5,23 \pm 0,78 ^{а,б,в}

Изоҳ: а – физиологик ҳомиладорлик ва АФС бўлган ҳомиладорлар кўрсаткичлари орасида фарқлар ишонарли ($P < 0.05$), б – 1чи ва 3чи триместрдаги кўрсаткичлар орасида фарқлар ишонарли ($P < 0.05$) ва в – прегравидар тайёргарлик ўтказилган ва ўтказилмаган гуруҳлар кўрсаткичлари орасидаги фарқлар ишонарли ($P < 0.05$).

Шуни айтиш жоизки, ВА кўрсаткичи натижаларини изоҳлашда унинг ортиши даражасига эътибор бериш зарур, яъни: унинг миқдори 1,2-1,5 шартли бирлик атрофида бўлса – ўртача ўзгаришлар, 1,5-2,0 шартли бирлик бўлса – томирларда тромблар ҳосил бўлиши юқори, 2,0 шартли бирликдан юқори бўлса – ҳавф ўта кучлигини билдиради. Бизнинг тадқиқотларимизда ВА миқдори 1,88 \pm 0,06 шартли бирликни ташкил этди, бу эса ҳомиладорларнинг йўлдошида макро - ва микротромбозларни ҳосил бўлиши ҳисобига фетоплацентар қон айланишини бузилиши, ва етишмовчилиги ҳисобига ҳомилани одатий ташлашига олиб келди.

Гемостазнинг томир-тромбоцитлар босқичини ўрганиш учун умумий қон таҳлилида тромбоцитлар сонини ҳисобладик. Ўтказилган тадқиқотлар одатий ҳомила ташлаш бўлган прегравидар муолажалари ўтказилмаган аёллар гуруҳида гемоглобин, эритроцитлар ва тромбоцитлар сонини

прегравидар муолажалари ўтказилган гуруҳи кўрсаткичларига қараганда пасайишига моиллик кузатилди. Жумладан, гемоглобин миқдори прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳи, ва прегравидар муолажалари ўтказилган гуруҳларида $91,93 \pm 3,68$ ва $108,11 \pm 1,04$ г/л, эритроцитлар сони - $3,17 \pm 0,06$ ва $3,57 \pm 0,08 \times 10^{12}/л$, лейкоцитлар - $7,31 \pm 0,15$ ва $6,48 \pm 0,34 \times 10^9/л$, тромбоцитлар сони - $211,70 \pm 3,82$ ва $234,23 \pm 4,40 \times 10^9/л$, ЭЧТ эса - $18,23 \pm 0,69$ ва $10,83 \pm 0,66$ мм/соат ташкил этди. Яъни, прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳида тромбоцитлар сони қисман камайишига, ЭЧТни эса статистик ишонарли ортиши аниқланди.

Коагуляция гемостаз плазма омиллари иштирокидаги реакциялар каскадидан иборат. Коагуляция гемостаз қон ивишининг уч босқичида ҳам ўрганилган: Моравиц усули бўйича қон ивиш вақти (ҚИВ) ва актив қисман тромбопластин вақти (АҚТВ) (қон ивишининг 1 босқичи); протромбин вақти (ПТ), протромбин индекси (ПТИ) ва халқаро нормаллашган муносабат (ХНМ) (қон ивишининг 2 босқичи); фибриноген миқдори (қон ивишининг 3 босқичи).

Прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳида қон ивиш вақтининг аниқ қисқариши кузатилди (4-жадвал). Бу гуруҳда қон ивишининг бошланиши $151,00 \pm 6,82$ сонияни, коагуляциянинг охири $190,54 \pm 5,47$ сонияни ташкил этди. Прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар қуйидагича эди: қон ивишининг бошланиши $148,69 \pm 3,73$ сония, якунланиши $205,75 \pm 4,48$ сония бўлди. Яъни, прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳида прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳига нисбатан қон ивиш вақтининг 1,5 ($P < 0,01$) мартаба қисқариши плазма гемостазида кучли гиперкоагуляция борлигини кўрсатди. Аммо биз прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳида плазмадаги АҚТВ $42,8 \pm 1,26$ ($P < 0,001$) сониягача узайган. Прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳида АҚТВ $28,26 \pm 0,15$ сонияни ташкил этди. Шуни айтиш жоизки, АҚТВ кўрсаткичини 1,7 ($P < 0,001$) мартаба узайиши аёлларда ВА мавжудлигидан далолат беради. Ҳақиқатдан ҳам бизнинг тадқиқотларимиз ВА миқдори 3,76 ($P < 0,005$) мартаба меъерий кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлди ва улар ўртасида ўзаро боғланишлар мавжудлигидан далолат беради.

4- жадвал.

АФС бўлган аёлларда қон коагуляциясининг биринчи босқичини баҳолаш, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳи, n=35	Прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳи, n=35
ҚИВ бошланиши, сек	$148,69 \pm 3,73$	$151,00 \pm 6,82^*$
ҚИВ тугалланиши, сек	$205,75 \pm 4,48$	$190,54 \pm 5,47$
АҚТВ, сек	$28,26 \pm 0,15$	$55,8 \pm 1,26^*$

Изох: * - текширилаётган гуруҳ беморларнинг кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар ишончли ($P < 0.05$).

Қоннинг ивиш вақти ва қисман тромбопластин вақтининг жиддий равишда бузилиши шуни кўрсатдики, прегравидар тайёргарликсиз туғган аёлларда коагуляцион гемостаз биринчи босқичида гиперкоагуляция томон ўзгариш борлиги исботланди.

Плазма гемостазининг иккинчи босқичини тавсифлаш учун протромбин вақти, протромбин индекси ва ХНМ ўрганилди. Плазма гемостазининг иккинчи босқичи кўрсаткичларини таҳлил қилиш протромбин вақтини ўрганиш барча гуруҳларда ва муддатларда кескин ўзгаришлар аниқланмади (5-жадвал). Шунингдек, прегравидар даво олмаган гуруҳда ҳомиладорликнинг 1чи триместрида протромбин индексини ва ХНМ кўрсаткичларини қисман ортиши кузатилди. Бу эса аёлларда гиперкоагуляцияга моиллик мавжудлигини кўрсатди. Ҳомиладорликнинг 3чи триместрида бу кўрсаткичлар биров пасаяди ва физиологик ҳомиладорлик гуруҳи кўрсаткичларига яқинлашади.

5-жадвал.

АФС бўлган аёлларда қон коагуляциясининг иккинчи босқичини баҳолаш, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	ПВ, сек	ПТИ, %	ПО	ХНМ
Физиологик ҳомиладорлик	16,49±0,20	84,40±0,40	1,13±0,01	1,06±0,01
Прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳи, гестация муддати				
1-чи триместр	17,69±0,28	96,23±1,49 ^а	1,20±0,02	1,25±0,05 ^а
3-чи триместр	17,34±0,22	87,30±0,85	1,62±0,48 ^{а,б}	1,16±0,03
Прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳи, гестация муддати				
1-чи триместр	17,86±0,17	92,31±1,36	1,18±0,01	1,15±0,03
3-чи триместр	16,71±0,24	86,62±0,35	1,60±0,48 ^{а,б}	1,11±0,03

Изох: а – физиологик ҳомиладорлик ва АФС бўлган ҳомиладорлар кўрсаткичлари орасида фарқлар ишонарли ($P < 0.05$), б – 1чи ва 3чи триместрдаги кўрсаткичлар орасида фарқлар ишонарли ($P < 0.05$) ва в – прегравидар тайёргарлик ўтказилган ва ўтказилмаган гуруҳлар кўрсаткичлари орасидаги фарқлар ишонарли ($P < 0.05$).

Қон ивишининг иккинчи босқичи кўрсаткичларини ўрганиш прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳида қоннинг гиперкоагуляция томон сезиларли даражада силжишини кўрсатди. Шу билан бирга, биз коагуляцион гемостазнинг 3чи босқичини ифодаловчи фибриноген миқдорини ҳам аниқладик. Фибриноген - бу жигарда синтез қилинган биринчи қон ивиш омилдир. Фибриноген миқдорини ўрганиш фибриноген концентрациясининг сезиларли даражада ошганлиги, бу эса кучли гиперкоагуляцион силжиш мавжудлигини кўрсатди. Прегравидар даво муолажалари олмаган аёлларда ҳомиладорликнинг 1чи босқичида 1,62 ($P < 0.01$) маротаба ортиши кузатилди ва коагуляцион гемостазни фаоллашувидан далолат беради (6 жадвал). Ҳомиладорликнинг 3чи триместрида унинг миқдори статистик ишонарли 1,3 ($P < 0.05$) маротаба олдинги муддат кўрсаткичларига нисбатан камайди, лекин шунга қарамай физиологик ҳомиладорлик гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,25 ($P < 0.05$)

маротаба юқорилигича сақланиб қолди. Бизнинг фикримизча, бундай ўзгаришлар ҳомиладорлик даврида ўтказилган даво муолажалари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Прегравидар даво муолажалари ўтказилган аёллар гуруҳида ҳомиладорликнинг 1чи триместрида физиологик ҳомиладорлик гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан статистик ишонарли 1,43 ($P < 0.01$) маротаба юқори бўлди, лекин прегравидар тайёргарлик ўтказилмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,13 ($P < 0.05$) маротаба статистик ишонарли паст бўлди. Бу гуруҳ аёлларда ҳомиладорликнинг 3чи триместрига келиб бу кўрсаткич олдинги муддатга нисбатан 1,2 ($P < 0.05$) маротаба яна ҳам пасайди, лекин меёрий кўрсаткичлардан 1,2 ($P < 0.05$) маротаба юқорилигича сақланиб қолди. Олинган натижалар АФС диагностик критерийлари билан мос келди. Демак, АФС ҳисобига аёлларда гиперкоагуляцион синдром ҳавфи сақланиб қолар экан.

6- жадвал

АФС бўлган аёлларда фибриноген ва D-димер миқдори, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Фибриноген, мг/мл	D-димер, нг/мл
Физиологик ҳомиладорлик	2677,14+28,90	41,94+1,81
Прегравидар тайёргарликсиз туғган аёллар гуруҳи, гестация муддати		
1-чи триместр	4334,17+148,70 ^а	642,86+38,98 ^а
3-чи триместр	3344,97+68,07 ^{а,б}	176,78+18,51 ^{а,б}
Прегравидар тайёргарлик билан туғган аёллар гуруҳи, гестация муддати		
1-чи триместр	3834,11+84,99 ^а	171,81+15,14 ^{а,в}
3-чи триместр	3204,57+61,54 ^а	264,86+26,52 ^{а,б,в}

Изоҳ: а – физиологик ҳомиладорлик ва АФС бўлган ҳомиладорлар кўрсаткичлари орасида фарқлар ишонарли ($P < 0.05$), б – 1чи ва 3чи триместрдаги кўрсаткичлар орасида фарқлар ишонарли ($P < 0.05$) ва в – прегравидар тайёргарлик ўтказилган ва ўтказилмаган гуруҳлар кўрсаткичлари орасидаги фарқлар ишонарли ($P < 0.05$).

Адабиётлардан маълумки, фибрин толаларини парчаланишида D-димерлар ҳосил бўлади. Уларнинг миқдорини қонда ортиши фибринолизнинг жадаллашишидан далолат беради. Олимларнинг фикрича, унинг миқдорини ортиши гемостаз тизими фаоллашувини кўрсатади, чунки бу кўрсаткич нафақат фибрин ҳосил бўлишини, шу билан бирга унинг парчаланишини ҳам кўрсатади. Буларни эътиборга олган ҳолда биз унинг миқдорини АФС ҳисобига келиб чиққан одатий ҳомила ташлаш бўладиган аёлларда аниқладик.

Ўтказилган тадқиқотлар прегравидар даво муолажалари ўтказилмаган аёлларда ҳомиладорликнинг 1чи триместрида D-димерлар миқдорини 15,33

($P < 0.001$) маротаба ортганларини кузатдик (6- жадвал). 3чи триместрга келиб унинг миқдори олдинги муддат кўрсаткичларига нисбатан 3,64 ($P < 0.001$) маротаба пасайди, аммо меёрий кўрсаткичлардан 4,21 ($P < 0.001$) маротаба юқориликча сақланиб қолди. Бу эса аёлларда гиперкоагуляция хавфи сақланиб қолганлигидан далолат беради.

АФСли аёлларда прегравидар даво муолажаларини ўтказилиши ҳомиладорликнинг 1чи триместрида D-димерлар миқдорини прегравидар тайёрганлик ўтказилмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 2,43 ($P < 0.001$) маротаба паст бўлди. Физиологик ҳомиладорлик гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 6,31 ($P < 0.001$) маротаба юқори бўлди. Ҳомиладорликнинг 3чи триместрига келиб D-димерлар миқдорини пасайиб борди ва аввалги муддат кўрсаткичларига нисбатан 1,54 ($P < 0.01$) маротаба пасайиб прегравидар тайёрганликсиз туғган аёллар кўрсаткичларидан фарқланмади. Физиологик ҳомиладорлик гуруҳи кўрсаткичларидан 4,1 ($P < 0.001$) маротаба юқори бўлди.

Шундай қилиб, олинган натижалар асосида биз қуйидаги хотимани қилишимиз мумкин. АФС негизида ривожланган одатий ҳомила ташлаш хавфини камайтириш учун аёлларга прегравидар даволаш муолажаларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бундай аёлларни прегравидар тайёрлаш АФС мезонлари миқдорини (волчанкали антикоагулянт, фосфолипидларга ва $\beta 2$ -гликопротеидларга нисбатан аутоАТнинг миқдори) қон зардобида камайтириб, тромбозлар хавфини олдини олар экан. Шу билан бирга коагуляцион гемостазнинг барча босқичларида гиперкоагуляцияни олдини олади, фетоплацентар тизимда тромбозлар ривожланишини камайтиради. Аммо бу кўрсаткичлар тўлиқ тикланмайди. Бу эса бундай аёлларни доимий назоратда бўлиши, АФС критерийлари ва коагуляцион гемостаз кўрсаткичларини динамик текшириш ва даво муолажаларини ўтказишни таққозо этади. Бунинг исботи бўлиб бу зайлларда ҳомиладорлик табиий туғиш билан яқунланганлигидир.

Юқорида қайд этилганларга асосланган ҳолда биз бу 3та муддатларда УТ-доплерометрия ўтказдик. Ҳомиладорликнинг 11-13,6 ҳафталаарида бачадон артерияларининг доплерометрик кўрсаткичларини таҳлил қилиш гемодинамик ўзгаришлар асосан ўнг бачадон артериясида кузатилишини кўрсатди (7- жадвал). Жумладан, прегравидар даво ўтказилмаган аёлларда ўнг бачадон артериясида систоло-диастолик нисбат статистик ишонарли $6,51 \pm 0,08$ ($P < 0.05$) ва бу ўз навбатида резистентлик индексини $0,92 \pm 0,01$ гача ($P < 0.01$) кўтарилишига олиб келди. Бачадон артерияларида кузатилган бундай ўзгаришлар ҳомиладорларнинг бачадон-йўлдош гемодинамикасида бузилишлар мавжудлигидан далолат беради. Бу, бизнинг фикримизча, бачадон-йўлдош бассейнида томирларнинг ички қаватини ўзгариши ва эндотелийда дисфункционал ўзгаришлар мавжудлигидан, йўлдош қон томирларида тромбозлар ривожланиш хавфидан далолат беради.

7-жадвал.

Ҳомиладорликнинг 11-14 ҳафталаарида бачадон артерияларининг доплерометрик кўрсаткичлари, $M \pm m$

Гуруҳлар	Ўнг бачадон артерияси		Чап бачадон артерияси	
	СДН	РИ	СДН	РИ
Прегравидар тайёргарлик	5,51±0,09 ^а	0,78±0,001 ^а	5,13±0,06	0,68±0,01
Прегравидар тайёргарликсиз	6,51±0,08 ^а	0,92±0,01 ^а	5,15±0,01	0,71±0,06

Изоҳ: а – прегравидар тайёргарлик ўтказилган ва ўтказилмаган гуруҳлар кўрсаткичлари орасидаги фарқлар ишонарли.

Шуни айтиш жоизки, бачадон артерияларида аниқланган СДН ва РИ кўрсаткичларнинг ортиб бориши кузатилган ҳомиларларга комплекс даво муолажалари ўтказилди. Уларга антикоагулянтлардан – клексан 0,4 мгдан т/о га ва антиагрегантлардан курантил 25 мгдан кунига 3 маҳал тавсия этилди ва бундай даво муолажалар 10-14 кун давомида қабул қилиш буюрилди. Даво муолажалари ўтказилишига қарамасдан бу гуруҳ ҳомиладорларда гемодинамик ўзгаришлар ортиб борди 12-13 ҳафталарда 6 аёлда ҳомила тушиши кузатилди, 4 аёлда эса ўсмай қолган ҳомиладорлик аниқланди. Олинган натижалар бу ҳомиладорларда АФС критерийлари юқори кўрсаткичлари сақланганлигидан ва гемостаз параметрлари юқори эди. Бизнинг фикримизча, бундай ҳавф омилларини сақланиб қолиши фето-плацентар етишмовчиликга ва ҳомилани одатий ташланишига ва ҳомиланинг ўсмай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

